



## ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 29<sup>th</sup> November 2022

Online: 30<sup>th</sup> November 2022

## KEY WORDS

## “МАКБЕТ” ВА “АБУЛФАЙЗХОН” ТРАГЕДИЯСИДА ФАЛСАФИЙ СЎЗЛАР ВА NATURE /ТАБИАТ” ВА SOCIETY / ЖАМИЯТ ТУШУНЧАСИ

Шодиев Шаҳобиддин Шарофиддинович

Бухоро давлат тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7390238>

## ABSTRACT

*Табиат ва жамият фалсафий тушунчалари инсон концепциясини текширишда муҳим аҳамиятга эга. Инсон ҳаёти бевосита мана шу икки тушунча-категория билан узвий боғлиқликда кечади.*

Табиат ва жамият фалсафий тушунчалари инсон концепциясини текширишда муҳим аҳамиятга эга. Инсон ҳаёти бевосита мана шу икки тушунча-категория билан узвий боғлиқликда кечади. Бу жараёнда инсон омилига боғлиқ бўлмаган бир қанча сабаблар бор ва улар инсоннинг ҳаёт тарзи, бахтли-бахтсизлигини белгилашда ҳал қилувчи куч ҳисобланади.

Табиат фалсафасининг пайдо бўлиши ҳақида сўз юритилар экан, аввало, унинг Ренессанс маданияти ва гуманистик фалсафаси ривожининг маҳсули эканлигини қайд этиш жоиз. Дунё тамаддунининг мана шундай бурилиш палласида инсон ўзи учун янги истиқболлар очди, хусусан ўзининг оламдаги ўрни, ижодий фаолиятидаги эркинликни мустақамлашда янги имкониятлар вужудга келганлигига ишонч ҳосил қила бошлади. Оламнинг табиий манзарасини, ҳатто инсон ўз табиатини билишга қодир эканига

ишона бошлади. Инсоннинг қадр-қимматини улуғлаш, унга энг олий қадрият деб қараш, эркинлик идеалининг янада ривожланиши учун янги маънавий муҳит яратди. Ренессанс табиат фалсафасининг илдизлари қадимги юнон фалсафий меросига, хусусан, платонизмга, стоиклар пантеизмига, ионик фалсафага бориб тақалади.

Мутахассислар Европа маърифатчилигини "фалсафий, ижтимоий, ахлоқий концепция", янгича дунёқарашга асос бўлган мафкура деб ҳисоблайдилар. Янги мафкуранинг ўзагини "инсон ақлу заковатигина дунёни ўзгартириши мумкин", деган қараш ташкил этади. Дарҳақиқат, маърифатчилик ғоялари ижтимоий онгнинг кейинги тараққийсига жиддий таъсир кўрсатди: ХУІІІ асрдан бошлаб моддиюнчилик қарашлари тобора кўпроқ кишиларнинг онгини забт эта боради. Муайян ижтимоий шароит маҳсули сифатида дунёга келган бу



мафкура жамият ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса, адабиёт ва санъатда туб бурилишлар ясади. Европада маърифатчилик ғоялари таъсирида янги эстетик принципларга таянган адабиёт шаклландики, унинг асосида "дунёни ва инсонни ўзгартиришга қодир ғоявий адабиёт керак", деган ақида ётади. Яъни, бошқача айтсак, маърифатчиларнинг ижтимоий идеали - "инсон табиати ва "ақл"га мувофиқ жамият қуриш" маърифатчилик адабиётининг эстетик идеалига айланди. Бу эса адабиётнинг-да шунга мувофиқ ҳолда ўзгаришини тақозо қилди. Мазкур ўзгаришлар орасида энг муҳими - идеалнинг "ерга тушгани"дирки, бунинг натижаси ўлароқ бадиият, гўзаллик тушунчаларига ҳам жиддий таҳрирлар киритилди.

«Макбет» ва «Абулфайзхон» трагедияларида гарчи бош қаҳрамонлар худбин, қотил ва жамиятнинг энг юқори поғонасидаги кишилар бўлса-да, давлат ва халқ тақдирини ёлғиз шахс билан боғламаслик керак. Шахсни жамият тарбиялаб, вояга етказди, ҳокимиятга интилаётган, уни бошқараётган киши, энг аввало, шу жамиятда фаолият юритаётган маълум бир тоифа ёхуд табақа вакилларининг қўллаб-қувватлаши, хайрихоҳлигига таянади. Жамият яратиб берган шарт-шароит, имкониятлар туфайлигина бахт ёки бахтсизлик, тинчлик ёки уруш юз беради. Бош қаҳрамонларнинг заволи ҳам, камоли ҳам бевосита жамият билан боғлиқ экан; муаллиф яқка бўлгани ҳолда трагедияда халқ номидан фикр юритади ҳамда ўзининг ғоявий ниятидан келиб чиқиб, ҳукм қилади.

Муаллиф ҳаммадан кўра кўпроқ воқелик акс этаётган давр, жамият руҳини ҳис қилади. Ана шу яқинлик уни мажбуран ёзишга ундайди. Хожа Ҳофизнинг "Бузиб чарх эски томин янги бир тарх ила қургаймиз", деган хитоби замирида ислоҳотчилик, яратувчилик-бунёдкорлик яширин.

Инсон озод бўлиши мумкин эмас, чунки унинг зиммасида бурч ва масъулият бор. У ҳар доим ўз истагига қарши боршига мажбур, агар мана шу мезон бузилса, оила, жамият, жами муносабатлар издан чиқади.

Инсон ҳар доим нимагадир боғланган, у чексизликка мослашмаган мавжудот. Инсон кеча ва кундузнинг, фаслларнинг ва ниҳоят жамиятнинг ичида яшайди. Бу тартибни бузиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди, биринчисини ташлаб, кейингисига ўтиш имконсиз. Шундай экан, воқелик ва унда юз бераётган ҳодисалар инсонга дахлдор. Жамиятдаги ҳолат бу халқнинг маънавий қиёфасини белгилайди, давлатнинг тараққиёти ёки таназзули ҳам умумхалқнинг дунёқарашига боғлиқ. Шекспир ва Фитрат трагедияларини бирлаштириб турувчи нуқта мана шу.

Инсониятни жамиятдан, тарихдан, замондан, макондан узиб олиб, асар яратиш бўлмайди. Макбет ва Абулфайзхон тимсолларида инсоннинг ижтимоийлиги, рационалиги, мафкураси ва эътиқоди натижасида юз берадиган амалий хатти-ҳаракатларуларнинг ички-ботиний-пинҳоний оламини ифодалаган. Улар ўзига боғлиқ бўлмаган асосларга кўра жамиятдан узила олмайди, нафақат жамият, балки қаватма-қават қафаслар ичра тутқунлик изтиборини тортишга,



ўзини тафтиш ва сўроқ қилишга, қилган гуноҳларини тан олишга ва қилмишларига жавоб беришга мажбур. Жамиятдаги бирор воқеа-ҳодиса, ҳаракт, умуман олганда жараёнлар қандай характерга эга бўлишидан қатъи назар ҳар доим ўзидан из, асроат қолдиради. Ҳайратомуз тарихий эврилишлар жамият аъзоларига янги руҳ, янги ғоя беради, орзу, умид, куч-қувват бахш этади. Якка шахс қобиғидан чиқа олган санъаткор ижодида даврнинг, жамиятнинг бутун мураккаблиги кўзгудагидек акс этди.

Аёл, рафиқа ва она тимсоли бўлган Леди Макбет ҳеч нарсадан қўрқмайди, унга раҳм-шафқат бегона, ҳатто меҳр ҳисси нималини унутган. Уни фақат бир нарса – тожу тахт қизиқтиради, холос. Ҳаётни, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини ҳашам, шон-шуҳрат, роҳат-фароғатда деб билган Леди Макбет қотилликнинг режасини пухта ишлаб чиқади ва эрини авраб ўз гапига кўндиради.

“Улфат. Хоқонимизга маълумдирки, подшоҳлиқ қон билан суғорилатурғон оғочдир. Қор оқиб турмағон ерда бу оғочнинг қуриб қолиши аниқдир.

“Абулфайзхон”да хонни қотиликка Леди Макбет сингари Улфат ундаб туради. Бу икки образнинг характери бир-бирига жуда ўхшайди, улар табиатан жоҳил, айёр, ҳашамга ўч, худбир, ўз манфаатидан бошқа нарсани тан олмайдиган, ўз билганини ҳақ санайдиган иккиюзламачи инсон. Леди Макбетнинг қиролга, Улфатнинг хонга муносабати мисолида жамиятнинг бир тоифасини кўрамиз, қизиғи шулар тўқ, фаровон яшайди, лекин ҳар иккаласининг қўли қон. Уларнинг юзларида табассум, кўзларида қувонч,

қалбларида ҳасад, фитна, макр доим ёнма-ён.

Макбет қиролни ўлдиришга бораркан, эшик тагида Леди Макбетнинг ҳийласига кўра дори қўшилган шаробдан маст бўлиб ётган посбонларнинг ханжари билан қиролни ўлдиради ва кутиб турган хотини олдига қайтиб келади. У Леди Макбет саволларига жавоб қайтараркан, кўшни хонада ухлаб ётган қиролнинг икки ўғлидан бири “Қотиллар!” деб фарёд солгани, иккинчисининг қаҳ-қаҳ уриб кулгани, сўнг бир оз тоат-ибодат қилишиб яна ухлаб қолишганини айтади.

Башоратга кўра Макдуфнинг мағлубияти белгиси сифатида Бирнам ўрмонидаги ўз ўрнидан қўпорилиб, қасрга хужум қилиши керак. Чопар Бирнам ўрмонидаги дарахтлар уч чақирим нарида Дунсианга ҳамла қилиш учун йўлга чиққани айтгандаёқ Макбет ҳаёти поёнига етганини тушуниб этади: “Кўзғал, шамол! Қутур бўрон! Бонг урингиз, бонг! Мен ўлимни аскар бўлиб қарши оламан”.

Макбет хотин зотидан туғилган одам уни енголмаслигига қатъий ишонади. Бутун оиласи ваҳшийларча қириб ташланган Макдуф жангда унга қарши чиқади ва ўзининг она қорнидан ўткир пичоқ билан кесиб олинганини айтиб, Макбетнинг ўзига бўлган ишончини синдиради. Фарзандлари, хотини қасосида ўртанаётган Макдуфнинг унга “жаҳаннам ити” деб мурожаат қилишининг замирида нафрат, ғазаб, ижирғаниш бор. Макбет ўзининг ундан қочиб юрганини ошкора тан олади: “Бас, шусиз ҳам бўялганман қонингга роса”. Жангда мустабид қирол енгилади ваҳалок бўлади. Леди Макбетнинг



сўзларида унинг ички олами қанчалар қоронғу, зулматга тўла, андиша, оқибатдан йироқлиги акс этади. Трагедиянинг биринчи пардаларидаёқ Шекспир ўз қаҳрамонининг характерини, жамият иши, шахсий ҳаётга бўлган муносабатини очиб беради.

Уйғониш даври инсон ҳақидаги идеалининг жонли инъикоси. Қирол, Макдуф трагедиядаги фожиали қаҳрамонларнинг энг мард, адолатпарвар, жасоратли, доно, олижаноб инсон бўлса, асилзодалар (Родриго, Грациано, Лодовико, Қассио ва ҳ. к.) нурсиз, оддий майда одамлар орасида Отеллонинг ёрқин, баҳодирона образи яққол кўзга ташлаиб, ажралиб туради, Дездемона уларни эмас, Отеллони танлаши ҳам бежис эмас эди. Яго ҳам Уйғониш даври вакили, у ҳам Отелло билан биргаликда кўп ташвишлар, қийинчиликларни бошидан кечирган, катта тажрибага эга, лекин у бундан мутлақ бошқача хулосалар чиқарган. Агар Отеллони қийинчиликлар чин инсон қилиб тарбиялаган бўлса, Яғони ҳам тарбиялади. Лекин Яго учун инсоннинг қиммати жамият поғонасида тутган ўрни ва пул билан ўлчанади. Драматург Уйғониш даври гуманистининг типик вакили образини шаҳзода ролида тасвирлашининг боиси, фикримизча, ўша давр ҳаёти, тузумини кўз олдимизга келтирсак, Ҳамлет тилидан айтилган аччиқ ҳақиқат, зақархандаларни ким айтиши, жамият поғонасида қандай ўрин эгаллаган одам айтиши мумкин эди, деган савол туғилади. Албатта, биронта олим, гуманист, файласуф, сарой аҳли Ҳамлет айтган фош этувчи ҳақиқатларни изқор

қилиши ғайри табиий. Шекспир трагедияларининг бош қаҳрамонлари орасида фақат Ҳамлетда энг олий инсоний хусусиятлар мужассамланган ва улар инсон бахти учун ёмонликка қарши кураш йўлида хизмат қилади. Шунинг учун Европа гуманизмининг энг олижаноб вакили бўлган Ҳамлет бизнинг замонамиз ва замондошларимизга энг яқиндир. Шекспир ва унинг замондошлари «феодализм», «капитализм» деган тушунчаларни билмаганлар, лекин нималар ва кимлар жамият, халқ ва шахсга бахтсизлик келтиришини яхши билганлар. Замона норозилиги, Шекспир трагизми ва Ҳамлет маҳзунлигининг асосий социал сабаблари ҳам худди ана шу гуманистлар идеали билан замона ўртасидаги зиддиятда эди. Шекспир ўз асарларида фақат субъектив фожиали кечирмаларини тасвирлабгина қолмай, давлат ва жаҳон миқёсидаги объектив фожиавазиятларини ҳам тасвирлайди. Шекспир трагедияларида фақат яқка шахсларнинггина фожиаси берилмайди, уларнинг мазмуни умуман ҳаёт фожиасидир. Ҳамлет, Отелло, Лир, Макбет, Брут, Кориолан, Антоний, Тимон каби трагик қаҳрамонлар турли давр, халқ, табақа вакиллари, уларнинг фожиаси ўша давр инсонияти фожиасидир. Драматург трагедияларида «нима учун инсон бахтсиз, унинг бахтига нималар тўсқинлик қилади?» деган саволларни қўяди. Бу саволларга тўғри жавоб бериш учун санъаткор ҳаётни ҳар томонлама текширади. Шекспир трагедиялари шахслар ўртасидаги дўстлик ва муҳаббат, жамият, давлат,



халқаро муносабатлар ва умуман ҳаётнинг турли томонларини ўз ичига олади. Драматургдаги ҳаётий тажриба бойлиги кишини ҳайратда қолдиради, унинг асарларини саҳнада томоша этар ёки ўқир эканмиз, кўз олдимизда Уйғониш даври Англияси тўлиқ гавдаланади. Драматург билмаган, ўз асарларида тўғри акс эттирмаган соҳа деярли йўқ десак бўлади: унн юрист, географ, файласуф, табиатшунос олим дейишлари ҳам бежиз эмас. Аммо Шекспир трагедияларининг моҳияти фақат давр картинасини реал тасвирлашдагина эмас. Драматург инсон руҳининг энг мураккаб диалектикаси ва ҳаёт фожиаси унга ҳандай таъсир этганлигини очиб беради. Унинг асарларида инсон ташқи факторлар таъсири остида эзилиб ҳолган пассив фигура эмас. ҳатто драмада механистик тушунчадаги «муҳит»нинг ўзи йўқ. Шекспир драмаларида фақат биргина фактор — инсон ва унинг бошқа одамларга, табиатга, жамиятга ва давлат тузумига муносабати бор, холос. Аммо давлат, табақалар ҳам ўзига хос хусусият, кучга эга, маълум қиёфада тасвирланган, ҳатто жамият, табиат кучлари ҳам инсон қиёфасида тасвирланган. Шунинг учун Шекспир гуманизми абстракт тушунча эмас, балки ижодининг асли негизини ташкил этади. Уйғониш даврининг буюк олим, файласуфлари Монтень, Бэкон, Бруно ва умуман ўша давр фани, фалсафаси эришган ютуқлардан, албатта, Шекспир баҳраманд бўлган, уларнинг борлиҳ ҳаётга бўлган қарашларига драматургнинг дунёқараши яҳин турадн ва айни замонда улардан фарҳ ҳам қилади. Шекспир Ренессанснинг

сўнги даври вакили сифатида, бир томондан, гуманистлар орзу-умидлари барбод бўлаётганининг гувоҳи бўлса, иккинчидан, инсон кучи, қобилияти, гуманизмнинг кадр-қийматиға ишончи, оптимизмини йўқотмаган эди. Шунинг учун унинг ижодида ҳам фожа, ҳам мардонаворлик элементлари мавжуддир. Инсон қудратига, келажакка ишонч қахрамонлик туғдирган ва фожа, пессимизм устун чиқишига йўл қўймаган ҳамда жаҳон адабиётида ҳалигача йўлиқмаган фалсафий, бадий умумлаштиришлар чиқаришга имкон берган. Шекспир Европа тарихининг энг мураккаб даврини тасвирлаб берди ва проблематика, услуб жиҳатидан инглиз драматургиясида ҳалигача кўрилмаган янги турдаги трагедиялар яратди. Шекспир трагедияларининг кенг кўлами бу жанрни келтириб чиқарган сабабларнинг Европа миқёсида эканлиги, бир ижтимоий формациядан иккинчисига, бир даврдан иккинчисига ўтиш, маънавий тараққиёт юксак даражага кўтарилган даврнинг маҳсули эканлигида эди. Аммо бу бой маданиятдан фақат маълум доирадаги кишилар баҳраманд бўла олар эди. Асосий омманинг саводсизлиги туфайли Уйғониш даври эришган маънавий бойлик, халқ дунёқарашига ҳамоҳанг бўлган янги ғоялар оммага фақат театр орқали бориб етган. Шунинг учун Уйғониш даврининг энг ажойиб ютуғи бўлган, том маънодаги буюк халқчил санъат —театр билан боғланган ҳолда вужудга келди.

Аввало ижтимоий муносабатлардаги муайян эркинлик, мафкуранинг нисбатан бетараф тус олиши, қолаверса, адабиётимизда,



хусусан, шеъриятда турли шакллар кетидан қувиш- шаклбозлик авж олгани, энг муҳими жаҳон адабиётининг «Илоҳий комедия», «Шоҳнама», «Фауст», Шекспир, Байрон асарларининг таржима қилиниши, умуман XIX аср ва XX асрнинг дастлабки ярмида яшаган Ғарб ва Америка, айти пайтда қатор япон шоирлари асарлари таржима қилиниши, русча таржималарда адабий муҳимтимизга кириб келиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, XX асрнинг, айниқса, 70-йилларидан эътиборан шахс жамиятнинг кучли маукурафий

таъсири- исканжасидан халос бўла бошлади, шўро даврида зўр бериб тарғиб қилинган коллектив – жамоанинг ажралмас қисми сифатида эмас, балки Инсон ўзини ниҳоят Шахс сифатида англаб, идрок қила бошлади. бу унинг мушоҳада уфқларини, энг муҳими, ботиний олами уфқларини кенгайтириш имкониятини яратди. Натижада, албатта, мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилган тарзда эмас, балки алоҳида Шахс сифатида ўзига хос йўлдан бориш мумкин деган эътиқод устунлик қила бошладик, бу бадий ижод соҳасида ҳам ўзини намоён қилди.

## References:

1. Shahob Sharofitdinovich Shodiev. *Academicia An International Multidisciplinary Research Journal* "Interpretation of philosophical terms and concepts as an essential subject for linguistic researches of XIX-XX centuries, held in Russia and Europe" 590-98 10.5958/2249-7137.2020.01171.4
2. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev. Bakaev Najmiddin Bakaevich. expressions.. (2020). The role of the Latin language in the history of world statehood. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 05 (85), 367-372. SoI: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-05-85-71> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS> Scopus ASCC: 1203. THE ROLE OF THE LATIN LANGUAGE IN THE HISTORY OF WORLD STATEHOOD
3. Sh.Sh.Shodiyev. N.B.Bakayev. M.N.Khafizova, S.N.Ostonova " SHAKESPEARS LEXICON: REASON WORD AS A DESIGN OF THE CONCEPT OF THE ABILITY OF THE HUMAN MIND TO ABSTRACTION, CONCLUSION " *Theoretical and Applied Science*, 162-166, 2020
4. Ш.Ш. Шодиев, Д.Я.Шигабутдинова. «ШЕКСПИРОВСКИЙ ЛЕКSIKON: CЛОВО REASON KAK OBOЗНАЧAHИE ПОНЯТИЯ СПOCOБHOCTИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО УМА К АБСТРАКЦИИ УМОЗАКЛЮЧЕНИЮ» *Инновационный потенциал развития науки в современном мире*, 189-197, 2020
5. General cultural and educational values of ancient-classic latin language TN Zayniddinovn, SS Sharofiddinovich *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES* 2 (5), 77-80 2021
6. Islam in the evolution of social and political views of the Uzbek Jadids, their role in the formation of the idea of National Independence KB Shadmanov, SS Shodiev, TN Zayniddinovna *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2 (2), 44-50 2021
7. Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich, & Majitova Nafisa Zokirovna. (2021). IDEAS ABOUT AN IDEAL PERSON, LANGUAGE, PROSPERITY IN THE EVOLUTION OF PUBLIC AND



- POLITICAL VIEWS OF THE UZBEK JADIDS OF THE BEGINNING OF THE XX CENTURY. Eurasian Journal of Academic Research, 1(3), 5–8. <http://doi.org/10.5281/zenodo.4925897>
8. Бакаев Нажмиддин Бакаевич. (2022). ДИСТАНЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ КАК СРЕДСТВО ОБМЕНА УЧЕБНОЙ ИНФОРМАЦИЕЙ НА РАССТОЯНИИ. EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE, 2(2), 278–282. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6282694>
9. Bakaev N.B. (2022). METHODOLOGICAL BASIS OF MASTERING FOREIGN LANGUAGE. EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE, 2(3), 146–150. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6378840>
10. Бакаев Нажмиддин Бакаевич, Рахмонов Сухроб Бахриддинович. (2022). ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В СОВРЕМЕННЫХ РЕАЛИЯХ. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6585277>
11. Бакаев Нажмиддин Бакаевич. (2022). ПРОБЛЕМЫ ОБУЧЕНИЯ ЛАТИНСКОЙ АНАТОМИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ В ПОЛИЛИНГВАЛЬНОЙ ГРУППЕ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ. EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(9), 49–56. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7073544>
12. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev, Najmiddin Bakaevich Bakaev, Nafisa Zainiddinovna Tasheva STUDYING PHILOSOPHICAL REALITIES OF THE RENAISSANCE EPOCH, BASED ON THE STRUCTURAL ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL TEXTS // Academic research in educational sciences. 2021. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/studying-philosophical-realities-of-the-renaissance-epoch-based-on-the-structural-analysis-of-philosophical-texts>
13. Бакаев Н.Б. Характер трудностей в обучении французской грамматике студентов – узбеков. В кн.: методика преподавания иностранных языков. Респ.науч. мет. сб., Киев вып. №12. 1983 г., с. 79-81
14. Бакаев Н.Б. Основные трудности понимания студентами – узбеками французских текстов по специальности / В кн.: методика преподавания иностранных языков. Респ.науч. мет. сб., Киев вып. №13. 1984 г., с. 105-108
15. Bakaev N.B. Teaching latin language as basical language of medicine / “Тиббиётда янги кун” илмий рефератив, марибий- манавий журнал апрель-июнь 2020., 56-59
16. Бакаев Н.Б. Лотин тили амалий машгулотларида иновацион технологиялардан Фойдаланишнинг самарадорлиги / Педагогик махорат” Илмий-назарий ва методик журнал 3-сон 2020 –йил, 157-161 б.
- .Mirzaeva, A. S. (2022). INTRA-LINGUISTIC AND EXTRA-LINGUISTIC FACTORS RELATED TO THE LANGUAGE AND VOCABULARY OF THE BASIC CONCEPTS OF RENAISSANCE ENGLISH PHILOSOPHY. Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture, 1(5), 9-17.
17. Shahob Sharofitdinovich Shodiev. Academicia An International Multidisciplinary Research Journal “Interpretation of philosophical terms and concepts as an essential subject for linguistic researches of xix-xx centuries, held in russia and Europe” 590-98 [10.5958/2249-7137.2020.01171.4](https://doi.org/10.5958/2249-7137.2020.01171.4)
18. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev. Bakaev Najmiddin Bakaevich. expressions.. (2020). The role of the Latin language in the history of world statehood. ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (85), 367-372. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-05-85-71> Doi:



<https://dx.doi.org/10.15863/TAS> Scopus ASCC: 1203. THE ROLE OF THE LATIN LANGUAGE IN THE HISTORY OF WORLD STATEHOOD

19. Sh.Sh.Shodiyev. N.B.Bakayev. M.N.Khafizova, S.N.Ostonova “ SHAKESPEARS LEXICON: REASON WORD AS A DESIGN OF THE CONCEPT OF THE ABILITY OF THE HUMAN MIND TO ABSTRACTION, CONCLUSION ” Theoretical and Applied Science, 162-166, 2020

20. Ш.Ш. Шодиев, Д.Я.Шигабутдинова. «ШЕКСПИРОВСКИЙ ЛЕКSIKON: СЛОВО REASON КАК ОБОЗНАЧАНИЕ ПОНЯТИЯ СПОСОБНОСТИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО УМА К АБСТРАКЦИИ УМОЗАКЛЮЧЕНИЮ» Инновационный потенциал развития науки в современном мире, 189-197, 2020

21. Shodiyev Shaxobiddin Sharofiddinovich, & Tasheva Nafisa Zayniddinovna. (2021). THE ROLE OF THE WAY OF THE GREAT STEPPE IN THE CONTINUITY AND RELATIONSHIP OF THE PHILOSOPHY AND CULTURE OF THE MUSLIM EAST AND THE RENAISSANCE WEST. Innovative Academy Research Support Center, 1(3), 9–13. <http://doi.org/10.5281/zenodo.4925956>

22. Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich, & Majitova Nafisa Zokirovna. (2021). IDEAS ABOUT AN IDEAL PERSON, LANGUAGE, PROSPERITY IN THE EVOLUTION OF PUBLIC AND POLITICAL VIEWS OF THE UZBEK JADIDS OF THE BEGINNING OF THE XX CENTURY. Eurasian Journal of Academic Research, 1(3), 5–8. <http://doi.org/10.5281/zenodo.4925897>

23. Mirzaeva, A. S. (2022). INTRA-LINGUISTIC AND EXTRA-LINGUISTIC FACTORS RELATED TO THE LANGUAGE AND VOCABULARY OF THE BASIC CONCEPTS OF RENAISSANCE ENGLISH PHILOSOPHY. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 1(5), 9-17.

24. Aziza, M. (2022). THE THEORY OF INTERTEXTUALITY AS A PARADIGM AND THE IMPACT OF THIS THEORY ON TRANSLATION. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(5), 990-995.

25. Мирзаева, А. Ш. (2021). РЕМИНИСЦЕНЦИЯ КАК ЭЛЕМЕНТ ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОСТИ В ПРОИЗВЕДЕНИИ РИКА РИОРДАНА “PERCY JACKSON AND THE LIGHTNING THIEF”. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(3).

26. Mirzaeva, A. S. (2022). THEORY IN INTERTEXTUALITY AND THREE SEAMLESS INTERTEXTS: M. BUTTERFLY BY DAVID H. HWANG, AS IS BY WILLIAM M. HOFFMAN, AND EXECUTION OF JUSTICE BY EMILY MANN. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 160-165.

27. Shavkatovna, M. A. (2022). ENLIGHTENMENT-MORAL, PHILOSOPHICAL, LINGUISTIC VIEWS OF MODERN CREATORS.

28. Shavkatovna, M. A. . (2022). Interrextuality in Rick Riordan’s Work. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(9), 180–185. Retrieved from <https://www.grnjournals.us/index.php/ajshr/article/view/1507>.

29. Mirzaeva Aziza Shavkatovna. (2021). Allusion As The Way Of Rendering Elements Of Ancient Greek Mythology In The Tissue Of Modern Literature. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 505-514.

<https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03Issue01-91>

30. Shavkatovna, M. A. . (2022). Interrextuality in Rick Riordan’s Work. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(9), 180–185. Retrieved from <https://www.grnjournals.us/index.php/ajshr/article/view/1507>.



31. Aziza Mirzaeva Shavkatovna. (2022). THE INTERTEXTUAL AND INTERCULTURAL REFERENCES IN LODGE'S CAMPUS NOVELS. *American Journal Of Philological Sciences*, 2(11), 29-35. <https://doi.org/10.37547/ajps/Volume02Issue11-05>.
32. Aziza, M. (2022). THE THEORY OF INTERTEXTUALITY AS A PARADIGM AND THE IMPACT OF THIS THEORY ON TRANSLATION.